ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

1925 йилдан чиқа бошлаган

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 9 октябрь Чоршанба.
№ 72 (14370)

ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ – БИЗНИНГ ТИНЧЛИГИМИЗ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ОКТЯБРЬ КУНИ АФҒОНИСТОНДАГИ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ АЛМАТИДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВИДА ҚАТНАШДИ.

Афғонистонда «Толибон» ислом ҳаракати пойтахт Қобулни эгаллаши, мамлакатдаги қарама-қаршилик кайфияти ва қуролли тўқнашувларнинг кескинлашуви афғон халқи бошига турли кулфатлар солган можарони тинч йўл билан ҳал этиш эҳтимолини бутунлай хавф остида қолдирди. «Толибон» ҳаракати аъзоларининг кўплаб хунрезликлар содир этиши, ўта муросасиз ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, аввало, Афғонистонга қўшни минтақадаги давлатларни жиддий ташвишга солмай иложи йўқ эди.

Қолаверса, Афғонистондаги бу воқеалар қўшни Тожикистондаги вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Шу боис, мамлакатимиз Миллий хавфсизлик кенгаши мажлисида таъкидлангандек, «Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмайди». Шунингдек, «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини эгалласа, жаҳон матбуоти катта ташвиш билан таъкидлаётганидек, бу Тожикистон ва Ўзбекистонга ўзининг жуда салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Афғонистонга қурол-ярог олиб киришни чеклаш тўғрисидаги ташаббуси ёдга тушади. Мамлакатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, бир неча бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур масалага қаратган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мажлисларидан бирида ҳам ушбу ташаббуснинг муҳокама этилиши бежиз эмасди. Албатта, бу йўл билан муаммо бирданига ҳал бўлиб қолмайди, лекин, оловни учириш учун аввало унга ёғ қуйишни тўхтатиш лозимлиги барчага аён.

Доно халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Алматидаги олий даражадаги учрашув ва унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашишига худди шу нуқтаи назардан қараш жоиз.

Шу куни Алматидаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари Виктор Черномирдин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ўзаро учрашдилар. Мамлакатлар раҳбарларининг холи суҳбатида Афғонистон ва Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегацияларининг иштирокидаги кенгайтирилган таркибдаги учрашув бўлди. Унда Афғонистонда юзага келган вазиятнинг мазкур мамлакатлар хавфсизлигига дахлдорлиги, унинг олдини олиш учун умумий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари ушбу воқеа юзасидан ўз нуқтаи назарларини изҳор этиб, минтақадаги ҳар бир давлат манфаатларига мос умумий чора-тадбирларни белгилаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда МДҲнинг коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномаси доирасида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш борасида фикрлашдилар.

Муҳокамалар ва фикрлашувлар якунида Қозоғистон, Қирғизистон республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон республикалари раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Саммит ниҳоясида делегациялар раҳбарлари журналистлар билан учрашдилар. Унда Афғонистондаги воқеалар Марказий Осиё минтақасига таъсир ўтказадиган бўлса, МДҲнинг коллектив хавфсизлик шартномасига аъзо давлатлар ўзларининг жавоб чораларини кўриши, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик ўрнатилиши ҳамда унинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши лозимлиги таъкидланди.



Маълумки, шу кунларда «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг тўртдан уч қисмини эгаллаган ва мамлакатнинг шимолий қисмига яқинлашиб келаётир. Бу ерда эса генерал Абдул Рашид Дўстум ўз мавқеини мустаҳкамлаб турибди. Агар «Толибон» ҳаракати мамлакат шимолини ҳам эгалласа, Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари ёнига келиб қолади. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Ўзбек генерали Дўстумга ҳарбий ва сиёсий ёрдам бериш керак деган масалага Сизнинг муносабатингиз қандай» дея савол берилди.

Президент Ислом Каримов журналистлар эътиборини аввал ҳам бир неча бор таъкидлаган масала — Абдул Рашид Дўстумнинг қўплаб оммавий ахборот воситалари томонидан «узбек генерали» деб аталишига қаратди. У аввало, ўзбек генерали эмас, афғон генералидир. Мисол учун Ўзбекистонда қайси миллатга мансуб генерал чиқмасин, у ўзбек генерали, шу мамлакат ва шу замин фарзандидир. Чунки у аввало уша юрт манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб генерал бўлса, у «корейс генерали» бўлиши керакми...

— Афғонистон шимолида уч миллионга яқин ўзбек яшайди, — деди Президент Ислом Каримов, — Уларга Ўзбекистон фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатади, холос. Шунингдек, биз уларни электр энергияси билан таъминлашда кўмаклашамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Абдул Рашид Дўстумга бошқа ўзининг ёрдам бериш масаласи, агар лозим топилса, МДҲдаги ҳамкорлар билан биргаликда муҳокама этилиши кераклигини айтди.

Журналистлар билан учрашувда мазкур давлатлар ўз ҳарбий қисмларини маълум бир ҳудуд ёки чегара яқинига сафарбар этишни режалаштирмагани маълум қилинди.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Алматига сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири
Алмати

«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. «Камолот» жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими 1996 йил пахта ҳосилини нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш юзасидан воҳанинг барча ёшларига мурожаат қабул қилди.

Жамғарманинг шаҳар, туман бўлимлари ташаббуси билан «Камолот — зарбдор» ҳашарчи ёшлар бригадалари ташкил этилди.

... Жамғарманинг вилоят, туман бўлимларида ҳашарчи ёшлар учун маънавий-маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида «Камолот» тарғибот ташвиқот гуруҳлари тузилди. «Камолот» ансамбли, ижодкорлар, шифокорлар жамғарма ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташкил этадиган гуруҳлар пахтакорлар хизматида бўлади.

...«Камолот» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими ва касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида туманлараро меҳнат мусобақалари ташкил этилди. Мусобақа ғолибларига пул мукофотлари ва дам олиш масканларига йўлланмалар белгиланди.

АНДИЖОН. Қурғонтепа, Избоскан, Қорасув ва бошқа туман пахтазорларида ёшлардан иборат «Мадад» бригадалари фаолият кўрсатмоқда. Зарбдор теримчилар пахтакорларга ҳақиқий мададкор бўлишиб, йиғим-теримда фаол қатнашмоқдалар.

Жамғарманинг Андижон шаҳар бўлимида «Зукко усмирлар рақобати» — «ЗУР» клуби фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят бўлими Андижон шаҳар ҳарбий горнизонини оталиққа олди. Аскарлар ҳолидан хабар олиш, бу ерда ватанпарварлик мавзуида турли қизиқарли учрашув ва суҳбатлар ўюштириб туриш жамғарманинг диққат марказида бўлмоқда. Яқинда улар шахсий қисм таркибига телевизор ва магнитофон совға қилишди.

Пахтаобод туманида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «усмирлар куни» деб белгиланган. Шу куни туман ҳокимлиги вакиллари ташкилот, корхона ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари, фуқаролар йиғини оқсоқоллари ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганадилар, уларни ечиш йўллари ҳақида келишиб оладилар. Бундай тадбирлар Шаҳрихон, Булоқбоши туманларида ҳам ўтказилмоқда.

НАВОИЙ. Жамғарманинг Навоий шаҳар бўлими тадбиркорлик ишларини кенг йўлга қўймоқда. Ҳозирги вақтда «Ўзсаламандр» фирмасининг 4 та станогида эркаклар оёқ кийимлари тайёрланаяпти. Бундан ташқари «Мебель — сервис» кичик корхонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда мебелларни таъмирлаш ва янгиларини ишлаб чиқариш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятдаги кам таъминланган оилалардан 3 кишининг таҳсил олиши учун моддий ёрдам кўрсатилди.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви матбуот хизмати.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚЎШМА

БАЁНОТИ

Биз, Алмати учрашуви иштирокчилари, Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашиб, Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар миқёси кенгайиб бораётгани ва бу ҳаракатларнинг тобора кучайиб, тинч аҳоли ўртасида оммавий қурбонларга сабаб бўлаётганидан, қочоқлар ва мажбурий кўчманчиларнинг янги-янги оқимларини пайдо қилаётганидан жиддий ташвишланаётганимизни билдирамиз. Қатл этишлар ва отиб ташлашлар, собиқ Президент Нажибуллонинг ваҳшийларча ўлдирилиши таҳликни кучайтириб, Афғонистондаги вазиятни умуммиллий ҳалокат ёқасига олиб келмоқда, афғон давлатчилигининг барбод бўлиши хавфини туғдирмоқда.

Уруш алангаси МДҲга аъзо мамлакатлар чегарасига яқинлашиб келмоқда. Бу ҳол мазкур давлатлар ҳамда бутун ҳамдўстликнинг миллий манфаатларига бевосита хавф туғдириб, минтақавий ва халқаро вазиятни беқарорликка олиб келади.

Биз Афғонистон чегарасидаги МДҲ давлатлари билан барқарорликка путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни маъқулламаслигимизни баён қиламиз. Бундай хатти-ҳаракатлар ким томонидан содир қилинган бўлмасин, бу давлатларнинг умумий манфаатларига хавф сифатида баҳоланади ва 1992 йил 15 май куни Тошкентда имзоланган коллектив ҳавфсизлик ҳақидаги шартноманинг 4-моддасига биноан, уларга худди шундай жавоб қайтарилади. Учрашув иштирокчилари ҳамдўстликнинг коллектив ҳавфсизлик кенгашига мурожаат қилади ва МДҲнинг жанубий чегараларида вужудга келаётган вазиятни тезлик билан кўриб чиқиб, ҳамдўстликнинг ташқи чегаралари ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга даъват этади.

Биз Афғонистондаги урушаётган томонларни, энг аввало толибларни уруш ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиб, умуммиллий тотувликка эришиш йўлларини қидиришни бошлашга даъват этамиз. Афғонистонда узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган урушни тўхтатиш пайти етди. Бу ишда суверен Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш асосий шарт бўлиши лозим.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда Афғонистондаги зиддиятни сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама бошқариш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тинч аҳоли ва қочқинларга мурувват ёрдами берилиши юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгалаш учун манфаатдор мамлакатлар иштирокида зудлик билан махсус мажлис ўтказишини таклиф этамиз.

Алмати,
1996 йил 4 октябрь.

1996 йил — Амир Темур йили

«АМИР ТЕМУР ЎТГАН ЙЎЛЛАР БЎЙЛАБ» СУПЕРМАРАФОН

«Туркистон» мухбирлари С. Рауп ва М. Кенгбоев Шаҳрисабздан хабар қилади

5 октябрь куни эрталаб муҳташам ёдгорлик — Оқсарой ёнидаги майдонда «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» супермарафонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали йиғилишни Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Азим Зайнитдинов очди. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Юсупов, вилоят бўлими раиси Боймурод Юсуповлар мусобақа иштирокчиларини табрикладилар. Шундан кейин майдонга соҳибқирон Амир Темур навкарлари қуршовида кириб келди ва мусобақа қатнашчиларига оқ йўл тилади.

Соат роппа роса 7.00 да супермарафонга старт берилди. Югуриш жараёнида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги бу катта тадбирнинг муваффақиятли ўтиши учун зарур бўлган ташкилий ишларга алоҳида эътибор берганлиги намоён бўлди. Давлат Автомобиль назорати, тиббиёт, оммавий ахборот воситалари ходимлари мусобақа иштирокчиларини мунтазам кузатиб бордилар.

Орадан бир соат чамаси вақт ўтиб супермарафончилар Яккабоғ тумани ҳудудига етиб келдилар. Уларни туман жамоатчилик вакиллари ва мактаб ўқувчилари карнай-сурнай садолари остида гуллар, нон туз билан кутиб олдилар. Шу масофага биринчи бўлиб етиб келган Шуҳрат Акбаров, Аъзам Алимов, Ихтиер Бобомуродовларга туман ҳокимлиги ва «Камолот» жамғармаси туман бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Мусобақа иштирокчилари ва кузатувчилар буюк жаҳонгир бобомиз таваллуд топган Хужаилғор қишлоғини зиёрат қилдилар. Шу куни мусобақа иштирокчилари Қамаши ва Ғузор туманлари ҳудудини босиб ўтишди. Кеч соат 6.30 да супермарафончиларни Қарши шаҳридаги Мустақиллик майдонида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар тантанали равишда кутиб олдилар.

Эртаси куни тонг саҳарда спортчилар Косон тумани томон отландилар. Улар шу куни узоқ бир иштиёқ билан Қашқа воҳасининг энг чекка тумани Муборакка кириб бордилар. 54 ёшлик Қудрат ака Бердиев ҳам ғайрат-шижоатда ёшлардан сира қолишмаслигини намойиш этди.

ДЕМОКРАТИЯ АСОСЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ АСОСЛАРИ

Фуқаролик жамияти нафақаттина муайян фуқаролик ҳуқуқи субъектларига фуқаролик ҳуқуқини тан олишни назарда тутмасдан, балки мустаҳкам ҳуқуқий ҳимояни ҳам шарт қилиб қўяди. Ҳуқуқий фандаги анъанавий тушунчага асосан «Фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш» субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг ҳамма тадбирлар йиғиндисини қамраб олади. Унга нафақат ҳуқуқий чоралар, балки иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа характердаги субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш учун шароит яратадиган зарурий шартлар ҳам киради.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим категорияси бўлиб, буни етарли даражада тушунмасдан фуқаролик-ҳуқуқий санкцияларнинг характери ва хусусияти, уни амалга оширишнинг механизми ва бошқа фуқаролик ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган масалаларнинг моҳиятини очиб бериш мушкул.

Фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш фуқарога тегишли субъектив ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Ҳимоя қилиш ҳуқуқи деганда ҳуқуқ субъектининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун ҳуқуқий муҳофаза характеридаги чораларни қўллаш имконияти деб тушуниш мумкин.

Ҳимоя предмети бўлиб, нафақаттина субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бўлмасдан, балки муҳофаза қилинадиган қонуний манфаатлар ҳам ҳисобланади. Субъектив фуқаролик ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқий категориялардир.

Субъектив фуқаролик ҳуқуқлари ва муҳофаза этиладиган қонуний манфаатлар қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибдаги, ҳимоя шакли, восита ва ҳимоя усулларидан иборатдир. Ҳимоя шакли деганда субъектив ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатни ҳимоя қилиш бўйича ички узвий ташкилий тадбирлар мажмуи тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқий ҳимоянинг юридик ва юридик бўлмаган шакллари бўлиб улар бир-биридан фарқ қилади.

Ҳимоянинг юридик шакли давлат ваколатли органининг фуқаролар субъектив ҳуқуқлари бузилган тақдирда унинг ҳимояси бўйича фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ноқонуний ҳаракат натижасида бузилган субъектив ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқини тиклаш учун ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли давлат органига ёки бошқа органга (суд, хўжалик суди, холислар суди, юқори турувчи ташкилот ва бошқаларга) мурожаат қилишга ҳақлидир. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик шакли доирасида бузилган ҳуқуқни тиклашнинг умумий ва махсус тартиби мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни суд тартибида ҳимоя қилиш умумий тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 10-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари, процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, шу суд хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади. Фуқаролик Кодексининг ушбу моддаси ҳуқуқ ва эркинликларни суд йўли билан ҳимоя қилишнинг Конституциявий нормани айнанлаштиради. У энг муҳим икки ҳолатни белгилайди. Биринчидан, фуқаролик ҳуқуқи фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида тегишли кўрсатма бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар суд орқали ҳимоя қилинади. Бу қоидадан истисно сифатида фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш фақат қонунда кўрсатилиши мумкин. Шу сабабли, суд маъмурий тартибда қабул қилинган қарорнинг қонунийлигини назорат қилишга ҳақлидир.

Бошқача айтганда, маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи суд органлари деганда умумий юрисдикциядаги суд, хўжалик суди, холислар суди тушунилади. Ушбу судларга ишларнинг тааллуқлиги процессуал қонунчилик ГПК ва ХПК билан белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширишда судлар ваколатини фарқлаш учун процессуал қонунчиликда, икки мезондан фойдаланилади: булар низоли тарафнинг субъект таркиби ва низо вужудга келган ҳуқуқий муносабат характеридан иборатдир.

Юридик бўлмаган ҳимоя шакли ўз ичига фуқаро ва ташкилотларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларнинг ҳимоясини олиб уларнинг давлат органи ёки бошқа ваколатли органларга мурожаат қилмасдан мустақил ҳаракат қилиши тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида кўрсатилган ҳаракат «Ўз ҳуқуқини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши» тушунчасига бирлаштирилиб фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бир усули сифатида ифода қилинган (Фуқаролик Кодексининг II моддаси).

Субъектив Фуқаролик ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳуқуқи — қонунда белгиланган мажбурий характердаги моддий ҳуқуқий чоралар бўлиб, унинг ёрдамида бузилган ҳуқуқ тикланади. Фуқаролик ҳуқуқий чораларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг II моддасида белгиланган.

Агар янги фуқаролик Кодексида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг II усули белгиланган бўлса, 1964 йилда қабул қилинган фуқаролик Кодексида (6-моддаси) фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бешта усули ифода қилинган эди. Янги фуқаролик Кодексида улар сони кўпайтирилиб, ўз ҳуқуқини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши ва маънавий зиённи қоплаш қўшимча усул сифатида киритилди.

Фуқаролик Кодексининг II моддасида кўрсатилган ҳимоя усулларини фақат суд томонидан амалга ошириладиган усуллар, судга мурожаат қилмасдан ҳуқуқий муносабат томонлари фойдаланадиган ҳамда суд ёрдамидаги усуллар; ўз ҳуқуқини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш, яъни суд иштирокисиз фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларига ажратиш мумкин. Булар жумласига қуйидагилар киради: ҳуқуқни тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши ҳавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш; шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши; бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; зарарни тўлаш; неустойка ундириш; маънавий зиённи қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ҳимоя усулини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Қоидага кўра, ҳуқуқи бузилган шахс ҳимоя қилишнинг ҳар қандай усулидан фойдаланмасдан, балки унинг учун қулай бўлган муайян ҳимоя усулини танлайди.

Фуқаролик Кодексининг II моддасида кўрсатилган ҳимоя усуллари ўзининг юридик табиати жиҳатидан бир хил бўлмай уни амалга ошириш имкониятига таъсир кўрсатади. Улар ҳимоя чораси ва жавобгарлик чорасига бўлиниб, бир-биридан қўллаш асоси, ижтимоий тайинланиши ва бажарадиган функцияси, амалга ошириш принциплари ва бошқа ўзига хос белгилари билан фарқ қилади. Умумий қоидага кўра, жавобгарлик чораси, ҳимоя чорасидан фарқ қилиб субъектив ҳуқуқни бузувчи айбдор шахсга нисбатан қўлланиб ҳуқуқ бузувчига муайян ҳуқуқлардан маҳрум этиш ёки унга қўшимча мажбуриятларни юклашда ифодаланади. Фуқаролик Кодексида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқи ҳимоя усуллари ичида жавобгарлик чораси бўлиб зарар — неустойкани ундириш ва маънавий зарарни қоплаш ҳисобланади, қолганлари эса ҳимоя чоралари қаторига киради.

Фуқароларнинг номулкий ва мулкий ҳуқуқлари фуқаролик Кодексида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш энг аввало, фуқароларга, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш қисми эса юридик шахсларга ҳам тааллуқлидир. Фуқаролик Кодексига асосан шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оиласий сири, номга бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонун кучига кўра фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан олиб қўйилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин. (99-модда).

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

(Давоми 2-бетда.)

Амир Темурнинг 660 йиллиги олдидан

СОҲИБҚИРОННИНГ ОЛИЙ ФАРМОНИ

Амирзода Умар номига битилган ушбу олий фармон Ҳофизи Абрунинг «Зайли Зафарномаи Шомий» асарида келтирилган бўлиб, Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳга дахлдор тарихий воқеалар билан боғлиқ ва унинг қисқача тафсилоти қуйидагича:

Мироншоҳ ҳали 14 ёшда чоғида, яъни 1380 йили амир Соҳибқирон Хуросон ўлкасини унга белгилайди ва ўз лашкарларидан эллик отлиқ қўшинни мулозим қилиб кучкулани билан Хуросонга жўнатади. Бу қўшинлар таркибида бир қанча номдор амирлар бор эди. Жумладан, амир Ҳожи Барлоснинг биродари амир Жаҳонгир, амир Ҳожи Сайфиддин, амир Оқбўғо, амир Усмон Аббос, Муҳаммад Султоншоҳ, Тобон баҳодир, Пир Ҳусайн барлос ва бошқалар.

Мироншоҳ шундан сўнг Соҳибқироннинг деярли барча юришларида қатнашади. 1393 йили Амир Темур ўз давлати ҳудудини анча кенгайтириб, Ҳалокухон тахтгоҳини Миршоншоҳга беради. Унга Озарбайжон, Рай, Дарбанд, Боку, Ширвонот, Гелонот каби жойлар кирган. 1396 йилда эса Мироншоҳ тасарруфидаги ерларни кенгайтириб, Дарбанд ва Бокудан то Бағдодгача, Ҳамадондан то Румгача оралиқни унга тобе этади ҳамда, шу муносабат билан, Мироншоҳ куч-кўлани билан Хуросондан Озарбайжонга кўчсин, деган олий фармон имзоланади. Хуросон ўлкаси эса Мирзо Шоҳруҳга белгиланади. «Ҳазрат Соҳибқирон Хуросон ўлкасини, Сейистонни, Мозандаронни то Фирўзкўҳгача ва Райгача ўғли Мирзо Шоҳруҳга берди», — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Мирзо Шоҳруҳ 1397 йилги олий ярлиғга кўра Хуросонга кўчиб, ҳукмдорлик қилишга киришади.

Ўша давр тарихий манбаларида Мироншоҳнинг Хуросон ҳукмдорлигидан олиниши сабаби аниқ қайд этилмаган. Бироқ XVасрда шайх Зайниддин Тойбодий ҳаёти ҳақида қиқоя қилувчи бир асар («Мақомот») да бу ҳақда анчагина тафсилотлар бор. Унда Мироншоҳ шайхга нисбатан анча қўпол муомалада бўлганлиги, айш-ишратга берилиб, халққа жабр-зулм қилганлиги ва бу ҳақда ҳабар Амир Темурга етиб борib, у қаттиқ ғазабланганлиги ва одам жўнатиб ўғлининг гуноҳи учун шайхдан кечирим сўраганлиги ва яна шайх Зайниддин таклифи билан Мироншоҳнинг ўрнига Мирзо Шоҳруҳ тайинланганлиги қайд этилган.

Мироншоҳнинг янги жойдаги ҳукмдорлиги биртекис бормади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу ҳақда анча батафсил баён этган. Унинг ёзишича, 1396 йилнинг кузида Мироншоҳ ов чоғида отдан йиқилиб, боши қаттиқ лат ейди ва миясида асорат қолади. Шундан сўнг унинг авзойида ўзгариш юз бериб ҳеч бир сабабсиз бир қанча кишиларни ўлимга ҳукм қилади, хазинани совуради, натижада унинг улусида норозилик авж олиб, ғалаёнлар содир бўлади, жумладан, Гуржистонда, Табризда «Зафарнома»да яна қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

«Мироншоҳ бутунлай айш-ишратга берилиб кетди, кўпинча шароб ичиб, нард ўйнаш билан машғул бўларди. У бир куни хотини Хонзодани тўҳмат сўзлар билан сўкди, кўп аъёнларга ғазаб қилиб уларни ўлимга маҳкум этди, вазир бўлиб турган Давлатхожа иноқ ўз ҳарами билан қочиб Райга кетди. Хонзода эса, ноҳақ тўҳмат учун исбот талаб қилди ва унга ҳам қўнмай, Самарқандга йўл олди».

Соҳибқирон эндигина Ҳиндистон сафаридан қайтган эди. Унга Мироншоҳ улусида кечган тартибсизликлар ҳақида хабар етказдилар. Бу орада Хонзода ҳам етиб келади. У Боғи Чинорда Амир Темур ҳузурига кириб Мироншоҳ тасарруфидаги ерларни кенгайтириб, Дарбанд ва Бокудан то Бағдодгача, Ҳамадондан то Румгача оралиқни унга тобе этади ҳамда, шу муносабат билан, Мироншоҳ куч-кўлани билан Хуросондан Озарбайжонга кўчсин, деган олий фармон имзоланади. Хуросон ўлкаси эса Мирзо Шоҳруҳга белгиланади. «Ҳазрат Соҳибқирон Хуросон ўлкасини, Сейистонни, Мозандаронни то Фирўзкўҳгача ва Райгача ўғли Мирзо Шоҳруҳга берди», — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Мирзо Шоҳруҳ 1397 йилги олий ярлиғга кўра Хуросонга кўчиб, ҳукмдорлик қилишга киришади.

Ўша давр тарихий манбаларида Мироншоҳнинг Хуросон ҳукмдорлигидан олиниши сабаби аниқ қайд этилмаган. Бироқ XVасрда шайх Зайниддин Тойбодий ҳаёти ҳақида қиқоя қилувчи бир асар («Мақомот») да бу ҳақда анчагина тафсилотлар бор. Унда Мироншоҳ шайхга нисбатан анча қўпол муомалада бўлганлиги, айш-ишратга берилиб, халққа жабр-зулм қилганлиги ва бу ҳақда ҳабар Амир Темурга етиб борib, у қаттиқ ғазабланганлиги ва одам жўнатиб ўғлининг гуноҳи учун шайхдан кечирим сўраганлиги ва яна шайх Зайниддин таклифи билан Мироншоҳнинг ўрнига Мирзо Шоҳруҳ тайинланганлиги қайд этилган.

Мироншоҳнинг янги жойдаги ҳукмдорлиги биртекис бормади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу ҳақда анчагина

Меҳмонхона

«УЛАР «МАГИСТР» УНВОНИНИ ЧЕТ ЭЛДАН ОЛИШАДИ»...

Меҳмонхона — ўз номи билан меҳмон кутиладиган жой. Саҳифамизда бундай рукнни очишимиздан мақсадимиз ҳам, ниятимиз ҳам меҳмонларни кутмоқ ва уларнинг дил сўзларини оқ қоғозга битмоқ.

Демак биринчи меҳмонимиз ТошДавТУ Бизнес бошқарув факультети декан ўринбосари доктор Яҳё Мат ҲАССАН.

Яҳё Мат ҲАССАН 1946 йилда Малайзияда таваллуд топган. 1972 йил Малайзия Физика институтини тамомлаб, «бакалавр» унвонини, 1975 йилда Буюк Британияда электроника бўйича «магистр» унвонини, 1984 йил Микротўлқинлар электроникасини лойиҳалаш ва ишлатиш бўйича «доктор» унвонини олган.

Дастлабки иш фаолиятини 1972 йил Малайзия қишлоқ хўжалиги коллежида маърузачи вазифасидан бошлаган. Малайзия Давлат илмий ҳамкорлик жамияти ва Малайзия физиклар институти аъзоси.

Резиденциал коллеж директори, икки Резиденциал коллежларо бош бошқарувчиси лавозимларида ишлаган.

1994 йилдан бошлаб Тошкент Давлат Техника Университети Бизнес бошқаруви факультети декан ўринбосари лавозимида иш олиб бормоқда. Оилали, бир қизи бор.

— Ҳурматли Яҳё Мат Ҳассан жаноблари, илк суҳбатингизни факультетнинг ташкил топишидан бошласангиз.

— Бизнес бошқарув факультетимиз 1994 йил Узбекистон Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги ва Малайзиянинг «Ренонг Берхард» компанияси ўртасида тузилган 10 йиллик шартнома асосида ташкил этилди. Бу факультетга Узбекистондаги барча олий ўқув юртларининг 1-курсини муваффақиятли тамомлаган талабалар қабул қилинади.

Шарҳ: Ҳар бир ривожланган мамлакатда иш олиб борувчи йирик компаниялар давлат билан шартнома асосида тушган даромаддан хайр-эҳсон ва ҳомийлик қилишади. Мамлакатимизда иш бошланганига анча вақт бўлмаган «Ренонг Берхард» компанияси ҳам даромаднинг бир қисмини узбек халқининг келажаги — ёшларнинг билим олишларига кенг имконият яратиш мақсадида сарфлади.

— Факультетдаги ўқитиш системаси бошқаларидан нимаси билан фарқ қилади?

— Талабалар Америка ўқитиш тизимига асоланган ҳолда таълим оладилар. Ўқув йили 2 семестрга бўлиниб, ҳар бир фан бир семестр ичида тугайди ва шунинг билан бирга олдинги семестрдаги дарслар давом эттирилмайди. Семестр давомида талабаларнинг билимлари узлуксиз текширилиб борилади. Масалан оралиқ тестлари, семестр охирида натижа тестлари, суҳбат тестлари, вазифа тестлари ёрдамида талабалар си-новдан ўтадилар. Ўқитиш системамизнинг яна бир тури Малайзиядан ташриф буюрган профессор-домлалар ҳар 4 ҳафта ичида алмашиниб, талабаларга таълим бермоқдалар. Улар ўзлари билан бирга Малайзиядан талабалар учун махсус дарсликларни олиб келадилар.

— Факультетда асосан қандай фанлар ўқитилади?

— Факультет бизнес-бошқарувчилар тайёрлаб беради. Асосан молия ва маркетинг соҳалари бўйича ўқитилади. Яна имкониятдан келиб чиқиб, ўзбек, рус, социология, диншунослик каби фанларни ҳам қўшимча предмет сифатида киритганмиз.

— Аудиторияларнинг жиҳозланиши бошқа олийгоҳлардагидан тубдан фарқ қилади. Бунинг боиси нима?

— Факультетимизга барча жиҳозлар Малайзиядан келтирилган. Иккита катта маъруза залимиз бўлиб, у барча шарт-шароитларга эга, яъни талабаларнинг яхши эшитишлари учун микрофонлар, дарсларни қизиқарли ва жонли ўтиш учун аудио-видео жиҳозлар, кадропроектлар мавжуд. Ушбу маъруза залида 150 та талаба маъруза тинглаши мумкин. Факультетнинг асосий хоналаридан яна бири кутубхона бўлиб, унда 2000 га яқин ноёб, чет элларда нашр этилган китоблар мавжуд. Чиройли, қулай мебель билан жиҳозланган кутубхона фонди тўлиқ ISIS — системасида компьютерлаштирилган китоблар АҚШ конгресси кутубхонаси талабларига мувофиқ жойлаштирилган.

— Факультет талабалари учун қандай қулайликлар мавжуд?

— Ўқув режамиз бўйича талабаларимиз «бакалавр» унвонини олгач, 20 фоиз иқтидорли талабаларимиз «магистр» унвонини олиш учун Америка, Англия,Австралия, Малайзия давлатларида ўқишларини давом эттирадилар.

Суҳбатдош: Муҳаммад ИСРОИЛОВ,
ТошДУ «Халқаро журналистика» бўлими толиби



МЕНИНГ ЧЎНТАГИМ

Ҳар ойнинг ўрталарини талабалар ғалати бир интиқлик билан кутишади. Бу интиқликни тасвирлаш қийин. Қиеслаб ҳам бўлмайди. Улар учун ҳеч қаерда бўлмаган байрам бор. У ун-ўн беш кун давом этади. Ана шу байрам ҳаммани интиқ куттиради.

Хўш, ойнинг ўртасида нима бўлади?

Аудиторияда маърузалар мудратаётган, икки дона сигарета сотиб олиш қийинлашиб қолган, дилга яқин бир қизнинг туғилган куни яқинлашиб келаётган, ёки кимдир «чўз, чўз» дея тинмай таъқиб қилаётган бир пайтда қаердандир бир хабар пайдо бўлади. Шунда... биров «ура!...» деб қарсак чалган, биров қўшиқ бошлаб юборган, биров елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил нафас олган...

Кейин... гуруҳ сардорини тиқташ бошланади. Ҳамманинг кўзи унда. Дастлаб паспорт эсдан чиқиб қолади. Сўнг навбат, навбат... Бир кун, икки кун... Аммо пулдан дарак йўқ. Талабалар чидаб туролмайди. «Қанақа сардор бу!», «Бунчаликмас-да, энди!», «Бўлмайди, ўзгартириш керак».

Ниҳоят, олади! Яшасин сардор!

Стипендияга лиқ тўла дўппайган сумка бир пасда бўшаб қолади. Кўпчилик қизлар дарров магазинга ошиқишади. Йигитлар эса... албатта, аввало, «ювиш» керак. Шундай хурсандчилик бўлади-ю, ювмай бўладими?

Кунлар бир-биридан ажойиб, аммо...

Ҳеч вақт ўтмай яна ўша ҳол. Яна чўнтак бўм-бўш. Нима бўлди ўзи? Ахир, тунов куни... Ишониш қийин.

Ҳайрон бўлманг, талаба халқи шунақа. Бу халқ орасида отасидан пул олмасдан, стипендияни оз-оздан сарфлаб бир ойга етказадиганини топиб бўлмайди. Қолаверса, бунинг иложи ҳам йўқ.

Талабаларнинг ўзлари бу ҳақда нима деркин?

— Қўлимга пул тушса барибир бир ҳафта ичида еб-ичиб қўйишимни биламан. Шунинг учун, кўпинча, уйдан олган пулларимни қўшиб, ўзимга кийим оламан, — дейди Х. Салимов. — Пулларимни бекорга сарфламайман.

— Шуларни сўраб нима қиласиз? Пул бўлгандан кейин кетади-да. Ўртоқлар билан бирга ўтириш кўп. Ейиш, ичиш дегандай. Унинг устига қизлар... Бир марта «Болалар» ёки Юлдуз келса бўлди! Яна, стипендия етадими, дейсиз? Менга қаранг, бу гапларимни яна бировга айтиб юрманг. Уйдагилар билиб қолишса пул бермай қўйишади, — дейди яна бир талаба қувноқлик билан.

Стипендияни фақат ўйин-кулги, кийиниш учун эмас, ўқиш учун сарфлаётган талабалар ҳам бор.

— Немис ва араб тилидан репетиторга қатнаяпман. Стипендиямни олган заҳотим тенг иккига бўлиб ўқитувчиларимга бераман, — дейди тарих факультетининг талабаси М. Ёқубова.

Умуман, шунақа гаплар! Талабалик-да. Уз оти билан «олтин давр». Бировлар айтганидек, ҳамон «ўша-ўша». Ёшлик, шўхлик, ўйин-кулги. Ҳар доимги дарслар. Кунлар бир маромда ўтаверади. Яна кимдир ўйга қайтади, кимдир қарзга юғуради. Яна интиқлик.

Ҳадемай стипендия беради...

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
СамДУ толиби

«ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ»ДА МАШҒУЛОТ

Хабар бериб ўтганимиздек 3 октябрь куни «Туркистон» таҳририятида ташкил қилинган «Шеърият сабоқлари» мактабининг илк машғулоти бўлиб ўтди.

Бугунги ижтимоий ҳаётимиз шуни кўрсатмоқдаки, ёшларда маънавият ва маърифатни юксалтирмасдан туриб узоққа бориш мумкин эмас ва бу йўлда давлатимиз томонидан турли имкониятлар яратилиб, алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Зеро, дунёни англаган, маънавият ва маърифат юксаклигини эгаллаган ёшларимизгина ўша биз истаган обод ва порлоқ келажак қурилишида фаол иштирок этадилар.

Таҳририят қошида ташкил топган мактабнинг вазифаси ҳам биринчи навбатда шеърият алломаларини етиштириш эмас, балки ҳар бир ўқувчини ана шу маънавий комилликка етаклаш ва оз бўлсада дунёни англашга, уни ҳис қилишга ўргатишдир.

Мактаб ташкил этилгач, таҳририятимизга Республикамиз вилоятларидан кўплаб қўнғироқлар бўлди. Мактублар орқали шеърий машқлар йўллашмоқда. Муштарийлар ўз қўнғироқларида, мактубларида шу мактабга аъзо бўлиш истагини билдирдилар.

Биз, бу истакларни инобатга олган ҳолда улар билан сиртдан фаолият олиб боришга келишиб олдик.

Илк машғулотга пойтахтдаги билим, масканлари, корхона ва ташкилотлардан 50 нафардан зиёд ҳаваскор шоирлар, шеърият ихлосмандлари ташриф буюришди. Учрашувда, мактаб раҳбари Рауф Парфи амалга оширилажак ишлар ва мактаб олдига қўйилган вазифалар билан иштирокчиларни таништириб ўтгач, ёш шоирларнинг мушоираси бошланиб кетди. Улар ўзаро ижод наъмунлари билан танишишди. Шунингдек, «Шеърият сабоқлари»нинг навбатдаги машғулоти хусусида ҳам келишиб олинди.

Учрашув ҳаваскорларда катта қизиқиш уйғотди, десак янглишмаймиз. Ана шу фикримиз исботи сифатида эса сўзни мазкур мактаб ўқувчиларига бersак:

Ғайрат МАЖИДОВ, Ўзбекистон радиоси муҳаррири:

— Бу мактабга шахсан Рауф Парфи бошчилиқ қилаётгани мени айниқса қувонтирди. Ҳақиқатда, эндигина ижодини бошлаётган ёш шоирлар шундай устозларнинг бироз далдасига, бироз танқидига жуда муҳтож. Келажакда шу мактабдан XXI асрнинг буюк шоирлари чиқишига ишонаман.

Гулжамол АСҚАРОВА, ТошДД II-курс толибаси:

— Барчаси оддийликдан мураккабликка томон бошлаяпти. Ўз ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасини ёзишга, ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини ёзишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳаётда не сирлар бўлмайди, дўстим,
Ким-кимни севади билмайди, дўстим.
Бирининг меҳрига бири зор бўлиб
Юрганларни санаб бўлмайди, дўстим.

***

Лайча кам санамас филдан ўзини,
Шоҳ ила гадо тенг, тингланг сўзини.
Оламда қанчаки тирик жон бўлса
Яшайди кимлигин билмай ўзини.

***

Илмнинг кўчаси тўлган бозорлар —
Уларнинг сонию саноғи йўқдир.
Дарғаси илкида ўйинчоқ бўлиб.
Қўйидан зор-безор бўлганлар кўпдир.

Илм даргоҳида гадо бўлса ҳам
Гадоман дегувчи инсонлар йўқдир.
Бировнинг ғоясин бировга сотиб
Илмда султонман деганлар хўпдир.

Шуларнинг зулмидан оддий заҳматкаш
Фидойи олимлар ороми йўқдир.
Талант эгалари — софдил, меҳнаткаш,
Жонини қийновчи эговлар кўпдир.

Илм-ку бир дарахт, шуҳрати япроқ,
Илдизи ягона, япроғи кўпдир.
Ё ажаб, илдизини асранг аввало,
Япроқлар ўткинчи деганлар йўқдир.

Қалбимни чулғаган ғаму аламлар —
Вазнини ўлчовчи тарозу йўқдир.
Шукронам, бешикдан қабрга қадар
Илмни изловчи шогирдлар кўпдир.

Алланазар ДЎСТМУРОДОВ

Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига номзод

КЎНГИЛ МУЛКИГА САЙР

Одамни билиш қийин. Унга баҳо бериш янада мушкул. Чунки бирор инсоннинг аслини узга одам тугул унинг узи ҳам билмайди. Ёзувчилик шундай қисматки, узи узини биламан деб айтишга иккиланадиган одам ҳақида, унинг уйларию туйғулари тўғрисида билиб қалам сурилиши керак. Вужуднинг, таннинг ишларини ақл билан маълум даражада билса ва изоҳласа бўлади. Лекин кунгилнинг, руҳнинг асрорини мантиқ билан билиш ҳам, билдириш ҳам мушкул. Кунгил кунгилни ҳис этиши, тушуниши мумкин. Бадиий ижод муайян одам кунглини тадқиқ этиши, уни узгалар ҳис этадиган даражада тасвирлай билиши билан диққатга молиқдир. Инсон туйғулари ута мураккаб, ғоят нозик бўлганлиги учун ҳам уни тасвирлаш мушкул. Чунки инсон кечинмалари, ҳислари — беадад. Уларни ифодалаш имконияти чеклангандир. Ижодкорнинг таланти даражаси инсон қалби иқлимларини нечоғлиқ тўлиқ тадқиқ эта билиш маҳорати билан ўлчанади. Одамнинг кунглига эса фақат самимият деб аталувчи торгина суқмоқ орқали кириб бориш мумкин.

Уткир Ҳошимов — шу маънода узе суқмоғига эга бўлган ижодкор. Бу йўл тажриба туфайли, йиллар мобайнида шакллантирилган тасвирлаш маҳорати сабабли пайдо бўлмаган. Кунгилларга солинган суқмоқлар оташин муҳаббатнинг, куйдирувчи нафратнинг меваларидир.

Адибнинг «Тушда кечган умрлар» романи ҳам ана шундай улкан муҳаббату ададсиз нафратнинг самараси ўлароқ пайдо бўлган асардир. Бундан роса йигирма йил олдин Шукур Холмирзаев бир суҳбатда: «Уткиршафқатсиз холислик билан тасвирлаш» деган фикрга «САМИМИЙ» тасвирлаш керак, деган гапни ҳам қўшади», — деган эди.

Ҳақиқатан, Уткир Ҳошимов ижодининг бош йўналиши тасвирдаги самимийлик деб бемалол айтиш мумкин. Ёзувчи қаламга олган қаҳрамонларини ичдан нурлантиришга ёхуд уларнинг руҳияти зулумотга нечоғлик ғарқ бўлганлигини таъсирчан тарзда акс эттиришга интилади. Унинг асарлари қаҳрамонлари меҳнат ёхуд уруш қаҳрамонлари эмас, айнан бадиий қаҳрамонлардир. Яъни улар — тирик одамлар. Уз тийнатига, дунё-қарашига, феълига, яшаш тарзига эга бўлган шахслар.

Ш. Холмирзаев уша суҳбатда: «Уткирдаги ижобий изланишлар — унинг қаҳрамон танлашда акс этмоқда», — деганди. Синчиклаб қаралганда таниқли адиб У. Ҳошимов ижодининг асосий қиррасини жуда аниқ пайқаганлигини сезиш мумкин бўлади. Чунки Уткир Ҳошимов асарларидаги образлар узига хос ички қиёфага эга бўлганлиги билан эсда қолиши, айни шу хусусияти туфайли китобхонлар меҳрини қозониши бор ҳақиқат.

«Тушда кечган умрлар» романидаги Рустам, Хайриддин, Темур, Шаҳноза, Диля, Санжар, ҳатто тасвирга ҳар замонда бир аралашадиган эпизодик қаҳрамонларгача китобхон диқкатини жалб қила оладиган шахслар. Бу образлар меҳнат жасоратлари, илмий ютуқлари, ҳикматомуз гаплари туфайли эмас, балки шахслик сифатлари боис эсда қолади, эътиборни жалб этади.

Покиза ўйли, рост сўзли, эзгу амалли Рустамнинг ҳатти-ҳаракатлари кечинмалари китобхонни узига ром қилади. Унинг қуролдошлари Темур, Хайриддинга муносабатларида, Шаҳнозага муҳаббатида, онасини аяшларида, отаси учун куйинишларида нечоғлик улкан самимият бор. Унинг фитрати маърифатли. Узгани ҳис этадиган, уни тушунадиган руҳият эгаси. Оламнинг бутун аламли жиҳатлари Рустам тақдири орқали бўй кўрсатган дейиш мумкин. Лоқайдлик, бефарқлик, қулайликка интилиш, манфаат тақозосига кўра қадам босиш унга бегона.

Қаҳрамоннинг афғон уруши давридаги руҳияти айниқса ишонарли чизилган. Уткир Ҳошимов азали уруш тасвирига узига хос ёндашуви билан машҳур. Кўп йиллар олдин яратилган «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясидаёқ уруш ва инсон қисмати, унинг инсон руҳиятида намоён булиш тарзига психологик ёндашувни сездирган эди. Уни жангтоҳнинг манзаралари эмас, уруш туфайли инсон табиатида рўй берган руҳий тебранишлар миқёсини курсатиш кўпроқ жалб этади. Рустам образининг Афғонистонга дахлдор тасвирларда жонли ва эсда қоларли тасвирланганлиги боиси ҳам шунда. Моҳиятан ёвузликка хизмат қиладиган уруш аслида адолатпарвар, раҳмдил ва инсофли кишини ҳам шафқатсиз ҳамда ёвуз кимсага айлантирилиши мумкинлиги Рустам тимсолида жуда таъсирли ифодаланган. Рустам ҳаётининг Афғонга боғлиқ ўринларини ўқиб туриб адиб ҳақиқатининг ҳаёт ҳақиқатидан-да аниқ, ундан-да таъсирчан эканига қойил қоласиз.

Адиб қаламга олган қаҳрамонига адабий қаҳрамон эмас, балки ўз тақдирига эга жонли одам деб қарай билади. Шу боис қаҳрамонни табиатига тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракатлар оғушида курсатмасликка интилади. Ёзувчи табиатан ҳиссиёти уткир халқ-узбекларнинг вакиллари бўлмиш қаҳрамонларига, кўпинча, нозик имо, сезилар-сезилмас ишоралар воситасида баҳо беради. Тўғрироғи, китобхонга қаҳрамонлар ўйларини кечинмаларини, ҳатти-ҳаракатларини мустақил баҳолаш имконини яратади.

Рустам Шаҳнозаларникига борганда унинг ойиси қизи билан кўришуви лавҳасида нозик бир нуқта шундай тасвирланади: «Шаҳнозага термулиб турган кўзларида, «қалай, янгиликлар борми?» деган унсиз саволни уққандек бўлдим». Асар билан таниш бўлган киши қайнонанинг кўзларида қандай савол акс этганини-ю, бу саволнинг залвор ҳали қовуша олмаётган ёш келин-куёв учун нечоғлиқ оғир эканини яхши англайди. Муаллиф булар ҳақда оғиз ҳам очмайди. Тасвир мароминнинг узиёқ чуқур эътиборни ифода этади.

Миллат руҳиятининг, психологиясининг қабариқ, хотирага михланиб қоладиган яхлит манзарасини бера билиш тажрибаси узбек адабиётида шаклланмаган. Эҳтимол, бунга миллатдошларимиз табиатидаги тортинчоқлик, фардликка мойиллик, ички моҳиятни бегона кузлардан яширишга интилиш сифатларининг мавжудлиги ҳам бир даражада сабабдир. Ҳар ҳолда узбек адабиётида «Тинч Дон», «Қон ва тер» типидаги муайян миллатнинг энг умумий жиҳатлари, омма руҳияти жунбуши воситасида акс эттирилган, асарлар йўқ. Миллий адабиётимизда алоҳида одам руҳиятининг турли қиррали теран тасвирланган асарлар мавжуд ва бу борадаги изланишлар қатъий йўналиш касб этиб бормоқда. Лекин омманинг қиёфасини бера билиш ёки миллатнинг аъзолари маънавиятидаги энг характерли, энг универсал, энг ёрқин чизгиларни топиш ва тасвир этиш тажрибаси йўқлиги бор гап. Уткир Ҳошимов «Икки эшик ораси» романида илк бор оммавий лавҳа тасвири воситасида миллий руҳият қирраларини қабариқ ҳолда беришга муваффақ бўлган эди. Оқсоқолнинг ўз келини Зуҳрани ёқтирган кишисига никоҳлаб берган эпизодини эсланг. Киши руҳиятини остин-устин қилувчи ларзакор тасвир миллий белгиларимизнинг, аввало, Оқсоқол образида, сўнг шу манзара иштирокчилари тимсолида ёрқин нурланиб намоён бўлганлигига гувоҳ- миз.

Шунга яқин ҳолат «Тушда кечган умрлар» романида ҳам мавжуд. Тўғри, бу саҳна аввалги романдаги сингари ёрқин ва бўртиқ ҳолда кўринмайди. Аммо миллатимизга хос руҳий сифатларнинг намоён бўлиш қўлами жиҳатидан ундан қолишмайди. Биз «Тушда кечган умрлар» асаридаги Рустам ва Шаҳнозаларнинг Қатортолдаги қўшнисиникида бўлган тўй саҳнасини кўзда тутаётирмиз. Агар «Икки эшик...»да омма психологияси ўз юксаклиги, олижаноблиги, улуғворлиги билан ақлни лол қолдирар даражада ёрқин, киши кунглини тўлдирар даражада ғурурбахш бўлса, «Тушда кечган умрлар» романида ғурурсизлик, орсизлик, қўрқоқолик сингари тубан маънавий сифатлар миллий белгилар тарзида тўй эпизодида ёрқин намоён бўлади. Юзлаб одамнинг бир келгинди андишасизлиги олдида индамай бўйин эгиб туриши тасвири социалистик тузум, юраксизлик биздан қўй-одамлар тарбиялашда «юксак» натижаларга эришганлигининг ёрқин далилидир.

Асарнинг тили ҳам жуда узига хос, ширали, таъсирчан ва мусиқавор. Адиб романнинг ҳар бир персонажи тилини ғоят нозик айирмаларга эга ҳолда бера билган. Гарчи асар кундалик шаклида битилиб, муаллифнинг иштироки билвосита амалга оширилган бўлса-да, У. Ҳошимов қаҳрамонларининг барчасини уз тили билан гапиртиришга, туйғуларини узига хос йусинда ифодалатишга эришган.

Умуман, қизиқарли ёзилган романнинг булардан бошқа ҳам бир қатор фазилатлари ҳақида анча фикр юритиш мумкин. Лекин ёмон ёзилмаган асарнинг бадиий қиммати яна ҳам юксакроқ бўлишига монелик қилган бир қатор жиҳатлар борки, улар ҳақда тўхталмаслик ҳақиқатдан кўз юмуш ҳисобланган бўларди.

Рустам — табиатан йирик шахс. Ҳар ҳолда, кундалик шаклидаги саҳифалар, Рустамнинг тарафдорлари ва рақиблари хотираларига таяниб фикр қилинадиган бўлса, анча қўламдор инсон сифатида тасаввур қиласиз. Аммо унинг изтироблари майда. Рустамнинг изтироблари йўли унинг имкониятлари қўламидан анча кичиқлиги доим сезилиб туради. Йирик одамнинг майда ҳаёт кечиришининг ўзи бир фожиа! Бу ҳақда асарлар битилган ва яна битилса бўлади. Лекин Рустамнинг изтиробу уйлари, кечинмаю ҳаракатлари муаллиф томонидан ҳам юксак деб тақдим этилаётгани унча маъқулмас. Чунки Рустам типидаги шахслар даҳанаки жанглар, муштлашувлар, гап билан узиб олишлари ва ниҳоят бемаънидан бемаъни ўлим топишдан тузукроқ мушкулликларга, қисматга муносиб эди. Рустам ҳамиша рўзгорий ёхуд шахсий ташвишлари исканжасида тасвирланади. У бир қарашда турмуш икир-чикирларидан баландроқ турмайдиган одамга ухшайди. Табиатида некбинлик, эзгуликни топабилиш йўқдай. Бу типдаги қаҳрамонлар тақдири иддаоли марксча хулосага олиб келиши мумкин: менинг омадсизлигимни кўринг ва билингки, бунинг барига ижтимоий тузум айбдор. Ҳолбуки Рустам бугун яшаганда ҳам ёруғлиқ кун кўролмаса керак эди.

Роман қаҳрамони — даврига сиғмаган, ижтимоий ахлоқ талабларига мослашишни истамаган шахс. Адабиёт тарихида кўп вақтлар олдин ҳам «ортиқча одам», «йўқотилган авлод» йўсинидаги кишилар тасвирини беришга ружу қўйилган вақтлар бўлган. Эҳтимол, Рустам ҳам мавжуд жамиятга, унинг маънавий қадриятларига бегона бўлган узига хос узбекона «ортиқча одам»дир. Чунки ҳар қандай жамият ҳам тараққий этаётган тирик ҳодиса тарзида муайян ижтимоий чиқитни вужудга келтиради...

Хайриддиннинг айни туғилган кунида бекорга ўлдирилиши, Темур жасадининг ҳақоратланиши, Ҳусанхужанинг фронтда Комиссарга дуч келиши, Ғаниевнинг Тулаганга, сўнг хотини Фотимага, сўнгра қизи Қурбонойга қабиҳликлар қилиши, Рустамнинг жинсий ожизлиги, асардаги асосий воқеалар ривожи суръатини айни шу жинсий ожизлик муаммоси таъминлагани сингари жиҳатлар, назарида, асосан эффект учун, қаҳрамонларимиз изтироблари қуламини сунъий равишда кенгайтириш учун қилингандай туюлади.

Роман Рустам кундалигининг охирги саҳифалари билан бошланиб айни шу саҳифаларни келтириш билан тугайди. Бу уз ҳолича чиройли прием. Лекин, асар боши ва охирида айни бир кундаликдан олинаётган айни бир парчанинг айрим ўринлари ҳар хил битилиши кишида бир оз нохуш таассурот қолдиради.

Дард билан битилган, ширадор тили ва самимий тасвири туфайли завқ билан ўқиладиган «Тушда кечган умрлар» романи учун кундалик шакли ҳамиша ҳам узини оқлади деб бўлмайди.

Романда тирик одамлар, адоқсиз армонлар, чидамга сиғмас изтироблар, бир сўз билан айтганда, чинакам ҳаёт бор. Шу боис бу асар миллий адабиётимизда узига хос мавқега эгадир.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
филология фанлари номзоди



Нурли, нурли ўйга чўмган...

Ватан — буюк саждагоҳ

ЮРТИМ — МЕҲРИМ

Ҳар бир инсоннинг юртига меҳр билан тугилиши, бу меҳрнинг қондан қонга кучиб юриши бор гап. Акс ҳолда жаҳонгир Амир Темур бобомиз Самарқандни пойтахти азим этиб, Кешни кунгул ардоғида асрармиди? Узга юртда улуг салтанат барпо эта олган Бобуршоҳ Андижон ҳажрида қон йиғлаб ўтармиди. Ҳазрати Алишер Навоий жаннатдан-да Ҳиротни афзал деб билармиди.

Ҳали мактабга бормаган, ўқиш ёзишни билмаган кезларимдаёқ, онамнинг эртак ва ҳикояларидан шу юрт — Ота маконим эканини илғай бошлагандим. Оналаримиз фарзандларига алла билан юрт меҳрини берадилар. Менинг назаримда яшаётган гўшам — узбеклар диёридан яхшироқ Ватаннинг узи бўлиши мумкин эмасди. Радиода эшитажак эртакларим ва қўшиқларим (улар фақат меники эди ушанда) ҳам буни тасдиқларди.

Мактабга қатнай бошлаганимда акамнинг фикрига аввал қисман, кейинчалик бутунлай қўшилдим. Юртимиз ҳақидаги қўшиқлар юрагимни тоғдай кўтарарди. Мен энди узим сезмаган ҳолда қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ва тожикларнинг қўшиқларини ҳам ички ғурур билан тинглайдиган бўлдим.

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон Ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиён-Шон Ўзбегим

Шеъриятда эса Э. Воҳидов ва А. Ориповлар очаётган суқмоқлар сари боргим келарди. Уларнинг сузидан тугилган қўшиқлар билан бирга Ватан деган қутлуг каломнинг улуғворлиги юрагимга сингарди. Бу буюклик қошида қанчалар ожиз эканимни ўйласам баданимдан совуқ тер чиққандай бўлар ва узимни сеҳрли оҳанглар ҳамда онамнинг ривоятлари қучоғига отардим.

Ривоят:

Бу юртга келган қишнинг қаҳри қаттиқ бўлди. Унинг қузғунлари юракларни топтаб лаззат топдилар. Қай дилда, қай кунгулда миллий ифтихор отлиг дарахт бўлса, кесдилар, эндигина бўй чузмоққа шайланган садарайҳону, чечақларни эзиб-эзғилаб ташладилар.

Элнинг Бобурлари Ота маконини юракларига ортиб, ғам-ғусса билан, узга юртларга йўл олдилар.

Карвонлар, карвонлар
кетиб боради,
Ватанда бир ҳасрат,
карвонда ҳасрат.
Айрилиқ даҳшати бошда
соябон
Келажак ғамгинлик,
келажак турбат...

Бобуршоҳ ғаريبликда юрса-да салтанатли булган эди, аммо унинг издошларига — XX асрнинг бағрихун бобурларига бу инъом ато этилмади. Улар бир нарсани — саждага эгилажак бошларини сақлаб қолдилар. Сўнг Аллоҳдан эрта-ю кеч Ота маконга баҳорлар қайтишини тилайверди-лар, тилайвердилар.

Юртдан жисму жонини айира олмаганлар қузғунларнинг қурбонига айландилар. Ким юртига «Уттан кунлар»и ҳақида айта олди, ким айтолмаган дардлари билан қурбонликка олиб кетилди.

Ватанга бўлган муҳаббат қалбларнинг тубида лахта қон ичра қоришиб кетди. Қаҳратон қишнинг изғиринлари нечоғлиқ тозалиги ва гулларни пайҳон этиб ташлади. Қуёшини қўмсаган чечаклар, титраб қақшаб қишнинг мадҳини қўйлашга мажбур бўлдилар. Бу ҳам етмагандай қузғунлар дилларни титиб- титкилаб ватан ишқи ва миллий ифтихор туйғуларини сидириб ташлашга бел боғладилар. Қисман ниятларига етдилар ҳам, янги авлоднинг бир қисми уларнинг ўдумини қабул қилди. Авлиёларнинг қабрига ҳужум бошлаган ёғий яна бир қисм авлодни динсизлик сари етаклай олди. Аммо, асрлар қаъридан боболарнинг руҳи исёнга шайланди. Юрт осмонида, пирларнинг кафтидан митти қуёш кўринди. Душманлар қуёшнинг ўлгайиб бораётганини сезмай қолдилар.

Саждага эгилган бошларнинг тилаклари ижобат бўлдими, Отамакон осмонида баҳор қуёши нур соча бошлади. Нурдан кўзи қамашган чечаклар кирланган қор остидан аста мўралаб, яна ўз қўшиқларини куйлашга чоғландилар.

Уларнинг қўшиқлари оғушида ғудак ором олади, диллар-дилларга қовушади ва шу жараёнда одамларнинг бир-бирларига, элу юртга муҳаббати уйғонади.

Ҳамро Бону

ЎЗБЕКИСТОН КИКБОКСИНГЧИЛАРИ

Самарқанд шаҳрида кикбоксинг ва тайбокс бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги биринчилиги бўлиб ўтди. Икки юз нафарга яқин спортчилар иштирок этган ушбу мусобақада ҳамюртларимиз вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашиб, бир неча бор шохсупанинг юқори поғоналарига кўтарилишди.

Мухбиримиз Тошкентдаги «Биллур» кикбоксинг клуби Президенти, тажрибали мураббий Ботир Зокиров билан учрашиб, ундан мусобақа ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашишни сўради.

— Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган биринчиликдан кикбоксинг бўйича ўюшмаларининг Бутунжаҳон Ассоциацияси Президенти, Италиялик Энио Фальсони ҳамда Бутуневропа кикбоксинг Федерациясининг Президенти А. Чистовлар фахрий меҳмон сифатида иштирок этиб, ҳар бир «жанг»ни диққат билан кузатишгани мусобақанинг нечоғли нуфузли бўлганлигини кўрсатиб турибди, — деди ў. — Муросасиз ўтган беллашувларда йигитларимиз ўз вазн тоифалари бўйича юқори натижаларга эришдилар.

Санжар Рустамов (45 кг), А. Арушанян (Самарқанд, 51 кг), Дилшод Абдураззоқов (54 кг), Рустам Садриев (63,5 кг) ва Собир Рахимов (67 кг) фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Спортчиларимиздан Тимур Муҳаммаджонов (45 кг) ва Азиз Авлиёев (63,5 кг) иккинчи ўринларни қўлга киритишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Узбекистон терма жамоасини Самарқанд шаҳрига бориб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишида Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси яқиндан ёрдам берди. Бундан кейин ҳам Жамғарма билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, унинг тадбирларида фаол иштирок этиш ниятидамиз, деди Б. Зокиров.

Х. АКБАРОВ

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Беморнинг хотини даволовчи врачга:

— Ҳа, албатта, доктор. Мен сира ҳам уни ҳаяжонлантирмоқчи эмасман, жуда эҳтиёт бўламан. Ундан фақат бир нарсани — васиятнома ёзишини илтимос қиламан.

* * *

— Сен шу қадар кўп ишлаяпсан-ки, азизим, — дейди хотин эрига, — ҳатто кечалари ҳам котибангни чақириб чиқасан.

* * *

Икки психиатр суҳбатлашяпти:

— Бугун ҳузуримга бир бемор келди. У телефон аппаратини ютиб юборган эмиш.

— Сен албатта, гипноз ёрдамида уни бу васвасдан халос қилгандирсан.

— Йўқ, йўқ. Буни фақат эртага қилиш мумкин.

— Нега энди?

— Бугун кечқурун муҳим бир иш бўйича унга қунгироқ қилишлари керак экан.

* * *

Автомобиль ҳалокати туфайли касалхонага тушган, бошдан-оёғигача бинт билан ураланган бемор докторни кўриши билан аламли қичқиради:

— Доктор, ҳақиқат ҳар қанча аччиқ бўлмасин-айтинг менга! Менинг машинам анча шикастланганми?

Ранг баранг олам

СОЛИҚЛАРДАН ҚОЧИШ МУМКИНМИ?

Сўнгги йилларда Германияда солиқлардан қочиш кўпчилик учун одат тусига кирмоқда. Қизиқарлиси шундаки, солиқдан қочиш оддий фуқаролар ичида эмас, балки машҳур кишилар, спорт, кино, айнан жаҳон юлдузлари орасида кўп учрамоқда. Жумладан, машҳур теннисчи Анке Хубер ва Михаил Штих, немис футболининг қироли Франц Бекенбауэр, автопойгачи Михаэл Шумахерлар Австрияни узларининг қароргоҳларига айлантиришган. Германия телеюлдузи Томас Готшлк эса умуман океан ортига равон бўлиб, ҳозирги пайтда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида истиқомат қилмоқда.

Гамбург шаҳри ҳокими Х. Фошерау бу ҳолатни қаттиқ танқид қилиб, Бундестаг ва Бундессердда солиқ масаласида ислоҳатлар юритиш пайти келганлигини таъкидладилар.

Молия Вазирлиги эса бу масалада бошқача усул тутди. Эндиликда хорижда йилига 183 кундан кам яшаган шахслар хорижлик ҳисобланмайди. Демак, шу боис ҳам солиқлардан озод қилинмайди.

127-ҳиссадорлик автотранспорт жамоаси 1996 йил 9 ойлик якунларига бағишланган умумий йиғилишни 1996 йил 25 октябрь соат 7.00 да ўтказиди.
Манзилимиз: 700034, ТОШКЕНТ ш., Қорасарой кўчаси, 325-уй.

ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН:
НШ—50, 32, НМШ—25, ПЭ—100/53 (Россия) насосларн, 8.40/15 УАЗ, 185/15 РАФ автошиналари оқ рангдаги озиқ-овқат идиши, ҳамда суварак, сичқон, бургаларга қарши дорилар, тошма касалликларга қарши дармонлар сотилади.
Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Иқромов кўчаси, 4 (Метронинг, Ҳамид Олимжон» бекати ёнида)
Мурожаат учун телефонлар: 33-10-65 (кундузи), 23-12-37 (кечқурун).

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ ЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА, навбатчи: Шухрат СУЮНОВ.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; тиҳорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ишлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0571.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —20.30
1 2 3 4 5 6